

Намозда хушуъ учун қоидалар



16:26 / 02.06.2021 2999

1. Ёйиш ва ичишингиз ҳалол ва пок бўлишига эътиборли бўлинг.
2. Ҳаром амаллардан узоқлашинг.
3. Агар овқат тайёр бўлса, аввал овқатланиб олинг.
4. Ҳожатхонага бориш эҳтиёжингиз бўлса, ўзингизни тутишга ҳаракат қилманг.
5. Тоза ва пок кийининг.
6. Мисвокдан фойдаланинг.
7. Таҳоратни тартиби билан қилинг.
8. Намоз ўқиш учун сокин жой танланг.
9. Жойнамозингиз тоза ва диққатингизни чалғитадиган нақшли бўлмасин.
10. Намозларни ўз вақтида жамоат билан ўқишга ҳаракат қилинг.
11. Аллоҳ бизни ҳар доим кўриб туришини ҳис қилиб ўқинг.

12. Ўлимни ва Аллоҳга қайтишингизни эсланг.

13. Намозда ўқиётган сура, дуоларингизни маъноларини тушиниб ўқишга ҳаракат қилинг.

14. Аллоҳнинг буюклиги, сиз эса заифлигингиз ҳақида фикр юритинг.

15. Нигоҳингизни сажда қиладиган жойингиздан узманг.

16. Хушуъингиз ортиши учун Аллоҳга дуо қилинг.

«Аллоҳим, мен Сендан фойдасиз илмдан, хушуъсиз қалбдан, тўймас нафсдан, мустажоб бўлмайдиган дуодан паноҳ сўрайман», Омин!

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади